



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUz

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/6/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишонов О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Утамурадов А. – ф.ф.н., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Qosimov M. O‘zbekistonlik partizanlarning sobiq ittifoq hududini ozod etishdagi ishtiroki	4
Suyarov M. Xorazmshoh Takashning hukmronlik faoliyatiga nazar	8
Хасанов Р. Лирик қўшиқчилик тарихи	11
Шаймқулов А. Совет ҳокимияти ахборот сиёсати тарихидан	15
Шотемирова А. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида жамиятда аёллар нуфузини ошириш борасида амалга оширилган ишлар	19

Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сиёсий фанлар

Abdiyeva S. Chet tilini o‘qitishda yangi texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati va samaradorligi	21
Abduraimov J., Mo‘llajonov M., Abduhalilova H. Ta’limda elektron resurslar tahlili	23
Abdurahmonova M. Chet tillarni o‘rganish va o‘rgatish jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish	25
Абдусаломова Ф. Особенности применения интерактивных методов при изучении русского языка	27
Alimova N. Issues of individualization of learning in the teaching of english at non-philological institutions of higher education	30
Аминова Н. Социально-философские мысли Фрэнсиса Бэкона на примере “Новой Атлантиды”	33
Ахмедова Б. Рақамли иктисодиёт шароитида таълим хизмати сифатини оширишнинг моҳияти ва вазифалари	37
Ахророва С. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлаш сиёсатининг аҳамияти	41
Ашурова С. 10-11 синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда волейбол спорт турининг аҳамияти	45
Ashurova Sh. Bolalarda sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda oilaviy munosabatlarning o‘rni	48
Бердиев Б. Ўзбекистоннинг халқаро имиджини юксалтириш – давлатнинг стратегик вазифаси сифатида	51
Бозоров Э., Зоирова Л. Изучение сравнительного анализа доз радиации на онкологические опухоли органов организма человека методом “обратная связь”	55
Boyxanov I. Ta’lim jarayonida multimedia texnologiyalaridan foydalanish	58
Валиев Ш. Сунъий интеллектнинг фалсафий муаммолари	61
Довранова О. Постмодерн жамият ва оилавий муносабатлар: тушунча ва моҳият	64
Ёдгорова З. Медиа оламида модаллик категориясига назарий қарашлар	67
Жаксымуратова Э. Республиканинг мактабгача таълим муассасаларида халқ анъаналаридан фойдаланиш	70
Жуманиёзова Н. Аутизм болага психотерапевтик ёрдам бериш усуллари	73
Ибрагимов И. Туркистон жадидларининг ижтимоий-фалсафий генезиси	77
Икромов Б. Бошланғич тайёргарлик босқичида Байдаркада эшак эшувчиларни курукликда асосий техник элементларни ўрнатириш орқали машғул олди хавотирланиш кўрсаткичини пасайтириш	80
Islomov K. Abu Rayhon Beruniyning falsafiy qarashlari	83
Kaljanova G. Ingliz tilini maxsus maqsadlarda o‘qitishning o‘ziga xos xususiyatlari	87
Каримов Ф. Ўрта ёшдаги 45-60 ёшли эркаклар учун жисмоний тайёргарликни ҳисобга олган ҳолда соғломлаштирувчи машқлар жамланмасини ишлаб чиқиш	91
Karimova M. O‘smir yoshidagi qizlarda oilaviy hayot haqidagi tasavvurlarini oila mustahkamligiga ta’siri muammosining nazariy tahlili	94
Кимсанбаева Ш. Ўзбекистонда диний бағрикенглик	96
Kosimov F. The role of student independent work in the learning process	99
Қўшақов Ф. Илм – ижтимоий ҳодиса сифатида	102
Маматов М. Маънавий тараққиёт – ватан тараққиётининг асосидир	105
Мамаюсупов У. Глобаллашув шароитида виртуал таълим Ўзбекистон таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг муқобил усули сифатида	109
Matkarimova M. Yoshlarni kasbga yo‘naltirishda ijtimoiy omillarning psixologik adabiyotlarda o‘rganilishi	112
Mustafоеva N. The specifics of teaching writing in a foreign language to law students. Analysis of existing methods ...	115
Мухаметов А. Жисмоний тарбия ва оммавий спорт соғломлаштириш машғулотида юктамаларни меъёрлаштиришнинг илмий-методик асослари	118
Muxammadiyeva O., Himmatova N. Xotin-qizlarni ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy faolligini oshirishda xorijiy tajribalarni o‘rganish	122
Ne‘matullayeva S. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida o‘yin terapiyasini qo‘llashda innovatsion usullar	126
Низамова У. Чет тилини самарали ўқитишда анъанавий ва компетентли ёндашувларнинг ўрни	129
Орехин-Рыжина В., Ахмедова Г. Значение новых педагогических технологий на занятиях по иностранному языку	132
Otajonova S. Talabalarda valeologik kompetentlikni rivojlantirishning pedagogik imkoniyatlari	135
Raxmatov D. O‘zbekistonda suzish sportining rivojlanishi	138
Саидова М. Бошланғич синф дарсликларининг халқаро қиёсий таҳлили ва масофавий ўқитишдаги ўрни	142
Саитмуродов Ж. Гегель дунёқараши шаклланишининг тарихий, ижтимоий-сиёсий омиллари	147
Сайдалиева Г. Роль мотивации в изучении иностранного (русского) языка	151
Санақулов Ф. Бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашга қаратилган дастурий воситаларнинг таълим жараёнига тадбиқи ва методикаси	154
Содиқова Ш. Оптик нур толалардаги дисперсия ҳодисалари мавзусини ўқитишда медиатаълим технологиялардан фойдаланиш методикаси	158

Таджихмедов Ш., Мирзобоев Х. Курашчиларни техник усулларга ўргатишда моделлаштиришнинг самарадорлигини такомиллаштириш.....	161
Тошбоева М., Ташпулатов Ф. Дзюдо спорт туридаги усулларни амалга ошириш натижасида сарфланадиган килокалория миқдори	164
Тулишов Ғ. Замонавий таълим менежменти ва педагог фаолиятини такомиллаштириш	167
O'ktamova N. The main principles of teaching sociolinguistic competence for adult learners	170
Ўлмасхўжаев З. Глобаллашув жараёнларининг ёшлар дунёқарашига таъсири.....	172
Умаров А. Современные проблемы агонального дискурса и возможности его использования в аудиовизуальном методе преподавания русского языка	176
Уразбаева Д. Онкология соҳасида ишлайдиган тиббий ходимларни ижтимоий-психологик тадқиқ қилишнинг ўзига хослиги	180
Fayzullayev B., Tursunmetov K., Xolboyev Y. Elementar zarrachalarning standart modeli va o'zaro ta'sirlashuvlarni o'rganish metodikasi	185
Xalikova D. Teaching reading skills and creative activities in esl classes	189
Хамдам-зода Л. Метод проектов как перспективная форма интерактивной технологии	192
Xasanova X. Kimyo darslarida steam tajribalaridan foydalanish	195
Хўжаев М. Мирзо Улуғбекнинг давлат бошқарувида сўфийлик таълимотига муносабати.....	199
Хўшбоқов Д. Ижтимоий-маданий муносабатларда замонавий алоқа воситаларининг роли.....	202
Ҳакимов О., Эргашов Ш. Ёшлар тарбиясида ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш омиллари	205
Шамсидинова Э. Цивилизация жараёни ва ижтимоий онг	209
Шерматов Ғ. Дзюдо мусобақаларида энг кўп қўлланиладиган усуллар ва уларнинг аҳамияти.....	212
Шукуров Б. Техника олий таълим муассасалари талабаларига физикани ўқитишда дастурий воситалардан фойдаланиш услублари	215
Эшманов О. Техника олий ўқув юртларида кишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини касбий тайёрлашнинг илмий-назарий асослари	219
Янгибоева Д. Аккультурация – ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида.....	223

Филология

Alimuhammedova Kh. Lexical behaviour in academic and technical corpora: implications for esp development.....	226
Аллаярова З. Илмий тафаккур ва терминология масаласи хусусида	230
Бабаходжаева Н. Бойсун ифтихори (Усмон Азим шеърятига бир назар).....	234
Boltaboyev H., Kazakbayeva D. Mohlaroyim Nodira and Khurshidabonu Notavon: secrets of creative similarity and specificity	237
Djumaboyeva J., Jurayeva M. A comparative study of the conceptual metaphors of «time/время/vaqt» in english, russian and uzbek languages.....	240
Жабборовва Ҳ. Радио тилида нутқ маданиятининг меъёрий аспекти	243
Жалолова Ф. Олам лисоний тасвирида “Ўғай она/stepmother” лексик бирлигининг лингвомаданий хусусиятлари	246
Избасарова Ш. Бадий матнни тадқиқ этиш муаммолари	250
Комилова Ш. XX аср Хитой адабиётида “Янги драматургия” нинг ривожланиши	253
Qulbulov Sh. Kompyuter leksikografiyasi: elektron lug'at tushunchasi, ularning turlari, afzalliklari va rivojlantirish istiqbollari	256
Lokteva N. «Семейная хроника» и литературный процесс XIX-XX веков	259
Муратова М. То телл феълнинг аспектвал-семантик таҳлили	262
Murodova D. Pak Vanso romanlarida “men” shaxsining shakllanish masalalari	265
Муҳиддинова Д. Араб ёзувчиси Жамал ал-Ғитоний ва ўзбек ёзувчиси Миркарим Осим ҳикояларида тарихий мавзуларнинг қиёсий таҳлили.....	269
Назарова Ш. Янги ўзбек шеърятига аруз вазни муаммосига доир айрим қайдлар	272
Normuminov U. Ingliz va o'zbek tillarida atov birliklari va frazeologizmlarida xalq maqollarining lingvomadaniy xususiyatlari.....	276
Раҳматов М. Алишер Навоий лирикасида шеърый жумла муаммоси	280
Ro'zimatova D. Tilshunoslikda ijtimoiy maqom tushunchasi	284
Саидова Н. Эволюция образа женщины в саудовской обществе в конце XX века (на примере рассказов Ахмада Абду аль-Малика)	287
Саидова Р. Ўзбек адабиётшунослигида семиотик квадратдан фойдаланиш	290
Temirbulatova I. Koreys tilida 그래 hamda 참 diskurs markerining o'ziga xos xususiyatlari	294
Турдибеков М. Ўратепа, Бунжикат, Қаҳқаҳа топонимларининг этимологияси	297
Умарова С. Озарбайжонда Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши.....	300
Хатамова Д. Адабиётшунослик терминологияси эстетик тафаккур предмети сифатида	303
Choriyeva A., Lokteva N. Ayolning hayotga bo'lgan qarashlari (Enn Tayler “Yerning ne'matlari” romani misolida) ...	307
Elmurodova S. Hozirgi zamon ingliz tili matematik terminlari tahlili.....	310



УДК: 372.8

Моҳинур САИДОВА,
БухДУПИ Бошланғич таълим назарияси ва методикаси кафедраси доценти
E-mail: mohinur.saidova2016@mail.ru

Педагогика фанлари номзоди С.Усманов тақризи асосида

INTERNATIONAL COMPARATIVE ANALYSIS OF TEXTBOOKS FOR PRIMARY SCHOOLS AND THEIR ROLE IN DISTANCE LEARNING

Abstract

This article discusses the methodological preparation, purpose, meaning and role of textbooks in the methodological training of future primary school teachers. Based on the foreign experience of creating new textbooks, a comparative assessment of the national program and the combination of textbooks was carried out. The article discussed the content of textbooks in Singapore, Russia, the USA, Japan and Uzbekistan. In addition, a model of the system for improving the methodological training of future primary school teachers was presented.

Keywords: future primary school teacher, international experience, textbook, program, quality of education, methodological base, teacher's manual, education system, socio-personal, general professional.

МЕЖДУНАРОДНЫЙ СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ УЧЕБНИКОВ ДЛЯ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ И ИХ РОЛЬ В ДИСТАНЦИОННОМ ОБУЧЕНИИ

Аннотация

В данной статье рассматривается методическая подготовка, назначение, значение и роль учебников в методической подготовке будущего учителя начальных классов. Опираясь на зарубежный опыт создания новых учебников, была проведена сравнительная оценка национальной программы и сочетания учебников. В статье обсуждалось содержание учебников в Сингапуре, России, США, Японии и Узбекистане. Кроме того, была представлена модель системы совершенствования методической подготовки будущих учителей начальных классов.

Ключевые слова: будущий учитель начальных классов, международный опыт, учебник, программа, качество образования, методическая база, пособие для учителя, система образования, социально-личностный, общепрофессиональный.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ДАРСЛИКЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ ВА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШДАГИ ЎРНИ

Аннотация

Мазкур мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг методик тайёргарлиги, мақсади, аҳамияти ва методик тайёргарликда дарсликларнинг ўрни ҳақида фикр юритилган. Янги дарсликларни яратишда хориж тажрибасига таяниш, миллий дастур, ҳамда дарсликлар уйғунлиги қиёсий таҳлил этилган. Мақолада Сингапур, Россия, АҚШ, Япония ва Ўзбекистон дарсликлари мазмуни ўзаро интегратив-когнитив муҳокама этилган. Қолаверса, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш тизимига доир модел берилган.

Калит сўзлар: Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси, халқаро тажриба, дарслик, дастур, таълим сифати, методик база, ўқитувчи учун қўлланма, таълим тизими, ижтимоий-шахсий, умумқасбий.

Кириш. Таълим тизимимизда баркамол авлодни шакллантириш масаласини ҳал қилиш давлат сиёсати даражасигача кўтарилди. Бу борада 2020-йил 27-сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва у асосида Ўзбекистон Республика Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги «Таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4884 сонли қарори, 2020-йил 6-ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108 сонли қарори, қолаверса, кўплаб метёрий ҳужжатлар бошланғич таълимни ташкил этиш ва унинг мазмунини замонавий тараққиёт талаблари асосида эканлиги таъкидланмоқда. Бунда, шубҳасиз, замонавий бошланғич таълим учун илмий-методологик жиҳатдан истиқболли йўналишни модернизация қилиш ва шу асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни замонавий ва рақобатбардош қилиб қасбий фаолиятга тайёрлаш долзарбдир. Бунга сабаб бошланғич таълим узлуксиз таълимнинг пойдеворидир, қолаверса, бошланғич таълимнинг асосий мақсади

ўқувчилардаги саводхонлик асослари ва ҳисоблаш тафаккури ҳақидаги билим ва кўникмани шакллантириш, олган билимларни ҳаётда қўллай олиши ҳамда бу орқали қатор шахсий сифатларни оширишдан иборатдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бутунги кун бошланғич синф ўқитувчиси кучли назарий билимга эга, янгилликка интилувчан, ўз ғояларини амалиётга тадбиқ эта оладиган, жаҳон тажрибасига қизиқадиган ва янги андозадаги ўқитиш тизимини таълимга олиб киришга қодир бўлиши лозим. Бу вазифаларни бажаришда бўлажак бошланғич синф ўқитувчининг оладиган билимларига, аудитория ва мустақил ўзлаштириш фаолиятига алоҳида эътибор бериш лозим.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг методик тайёргарлигининг халқаро тажрибаларга мос, модификацион кўринишини ишлаб чиқиш учун амалиётда мавжуд тажрибаларни таҳлил этдик. Бутунги кунда янгиланган ўқув режа ва дастурларни амалга оширишда ўқув-методик таъминотни бойитиш ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш учун инновацион ёндашувларни белгилаб олиш зарурияти юзага келди. XX

асрнинг 70-йиллари бошида бошлангич таълим ўқитувчилари ва «Педагогика» факультетлари талабалари Н.Б. Истомина [15], В.Кан-Калик [16], Л.П. Стойлова [17] ва бошқаларнинг ишларидан фойдалана бошлади. Н.В. Аммосова фикрича, бугунги кун бўлажак бошлангич синф ўқитувчиси замон билан ҳамнафас бўлиши лозим. Унинг фикрича, талабанинг маълум бир қилишда қотиб қолишига анъанавий таълим бевосита сабаб бўлади [4]. Н.Г. Дендеберя, Р.И. Сунгатуллина, С.Г. [Григорьеванинг илмий изланишларини таҳлил этиб](#), бўлажак бошлангич синф ўқитувчисининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг бир томонлама йўналтирилган дидактик имкониятлари ва уларнинг назарий-методологик ҳолатлари мавжуд эканлигининг гувоҳи бўлди.

Масалан, Н.У. Бикбаева – бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг билиш фаолиятини фаоллаштиришда ўрганилаётган материалга ирода кучи ва ҳиссий муносабатни талаб этувчи ўқув жараёнини алоҳида ташкил этиш сифатида таҳлил этган [10]. М.Н. Скаткин, А.М. Умронхўжаев, Т.И. Шамова, Т.И. Шўкина ва бошқа қатор олимлар муаммоли таълим орқали бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг билиш фаолиятини такомиллаштиришда таълим жараёнини муаммоли ҳал қилиш ҳақидаги фикрларни илгари сурган. Уларнинг таҳлилига кўра, бўлажак бошлангич синф ўқитувчиси ўқувчида мустақиллик, ижодкорлик,

фаолликни эмас, балки билиш жараёнини ташкил этишдан иборат [19].

Тадқиқот методологияси. Педагогик назарияда педагогнинг касбий тайёргарлигини ўзини-ўзи ривожлантириши ва бошлангич синф ўқитувчиларини касбга тайёрлаш ҳамда методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари бўйича турли даврларда Б.С. Абдуллаева [5], М. Ахмедов [6], Н.У. Бикбаева [10], З. Ибрагимов [11], М.Э. Жумаев [12], Ф.М. Касимов [13], Ш.Р. Райханов [14]лар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалаларида ҳамдўстлик мамлакатларидан Н.В. Аммосова [4], З.И. Янсуфина [20], А.В. Абрамов [7], Ф.С. Авдеев [8], В.В. Афанасьев [9], С.М. Баташова [21]лар ҳамда Хорижий тадқиқотлар тажрибасида В. Коувенховен [23], S.Erduran, М.П. Жименез-Алеихандре [23]лар илмий изланишлар олиб боришган.

Таҳлил ва натижалар. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчисининг методик баъзасини такомиллаштириш учун бугунги кун янгиликлари, хорижий тажрибалар (ўқитувчи учун қўлланма ва дарсликларни) билан бойитиш лозим. Биз юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, МДХ ва Хориж дарсликлари, ўқитувчилари учун ёзилган методик қўлланмаларни таҳлил қилдик (3-расм).



1- расм. Сингапурнинг 1-4 синфлар учун дарслик ва иш дафтарлари

Айниқса, дарсликлар орасида Сингапур давлатининг бошлангич синф дарсликлари эътиборимизни алоҳида тортди. Сингапурнинг бошлангич синфлар учун мўлжалланган дарсликлари ҳар бир синф учун 2 қисмдан иборат А ва В қисмлар. А қисмда мундарижаларда берилган мавзуларнинг назарий қисми берилган бўлиб, В қисмида ўқувчилар назарий билимларни турли топшириқларни ечиш орқали мустаҳкамлайдилар.

Мазкур дарсликлар мавхум фикрлаш ва тасвирий воситалар орқали ўрганишга мўлжалланган бўлиб, бу дарслик ўқувчиларда фаол фикрлаш жараёнини, илмий ва амалий билимларни ғояларни ва муаммоларни ҳал қилишни рағбатлантиради. Дарслар ўқитувчининг кўрсатмаси ва мустақил иши аралашмаси учун мўлжалланган бўлиб, ўқувчилар ғояларни муҳокама қилишга ва муаммони ҳал қилишнинг қўшимча усуллари ўрганишга таклиф этилади.

Дарсликларнинг хусусиятлари ва компонентлари қуйидагилардан иборат:

Фанга доир тушунчалар биринчи саҳифаларда киритилади ва дарҳол баҳолаш ва мустаҳкамлаш имконини берувчи махсус ўқув вазифалари орқали ўзлаштиришга ўргатилади.

Аниқ тасвирий абстракт ёндашуви ўқувчиларга фанни мазмунли тарзда таништириш имконини беради.

Дарсликнинг иш дафтарида тўғридан-тўғри боғлиқлиги диққат марказида кўриб чиқиш ва баҳолашни осонлаштиради.

Моделлаштириш усули ўқувчиларга муаммоларни тез ва самарали равишда тасаввур қилиш ва ҳал қилиш имконини беради.

Рангли тасвирлар ўқувчиларнинг фаол иштирокини таклиф қилади ва тушунчалар ҳақида жонли муҳокаmani осонлаштиради.

Навбатдаги дарсликлар «Рус мактаби» ўқув-услубий мажмуасини ўз ичига олади. Дарсликлар бошлангич умумий таълимнинг янги федерал давлат таълим стандартида ишлаб чиқилган ўқитиш тамойилларини амалга оширади.

Ўқув материални ўрганиш кетма-кетлиги ҳисоб-китобларнинг онгли натижаларини шакллантиришни, бошлангич синф ўқувчилари учун ҳисоблашнинг қулай усулини топишни, ўқув материални умумлаштиришни, ҳисоб-китобларнинг дастлабки тамойиллари ҳақидаги маълумотларни тушунишни таъминлайди.






2-расм. Россия таълим тизимида ўқитиладиган бошланғич синф дарсликлари.

Дарслик материали тизимли-фаол ёндашувни амалга ошириш, табақалаштирилган таълимни ташкил этиш ва бошланғич умумий таълимнинг асосий таълим дастурини ўзлаштиришнинг шахсий, предметли ва метапредметли натижаларига эришишни таъминлаш имконини беради.

Вазифалар тизими ўқувчиларда ўқув ва амалий муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини шакллантиришни ва функционал саводхонликни ривожлантиришни таъминлайди. Когнитив қизиқишни ривожлантириш, мантикий вазифалар, зукколик учун топшириқлар, шунингдек, реал ҳаётдан амалий характерга эга бўлган вазифалар билан таъминланади. Дарслик орқали ўқувчиларнинг фазовий тасаввурлари ва оғзаки нутқи шакллантирилади. Дарсликдаги кўпгина вазифалар ўқувчиларга мустакил равишда таълим мақсадларини белгилаш, уларга эришиш учун зарур воситалар ва усулларни излаш ва улардан фойдаланиш, ўз фаолиятининг бориши ва натижаларини кузатиш ва баҳолаш имконини берадиган ҳаракатлар учун индикатив асосни ўз ичига олади.



Бизга ўқувчиларни креатив фикрлашга ундовчи АҚШда ишлаб чиқилган дарсликлар жуда манзур бўлди. Мазкур китоблар нафақат стандарт билан ишлайди қолаверса, ўқувчиларни ижодий изланишга ва интеграциялашгани билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу дарслик синфда фойдаланиш учун мўлжалланган, аммо уйда ҳам мактабда ҳам бир хил ишланиши мумкин. Ўқувчилар ўз ишларини бошқа қоғозда бажаришлари керак. Дарслик рангли расмлар ва иллюстрациялар билан жозибали ва профессионал тарзда форматланган (3-расм).



3- расм. Интеграцион топшириқ.

Масалан, дарсликда капалак ҳақида топшириқ берилиши билан бир қаторда, топшириқ табиат билан боғланган. Бола бир вақтнинг ўзida топшириқ мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ижодий ёндашиб, топшириқни бажаради, қолаверса, капалак ҳақида қизиқарли маълумотни билиб олади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг методик заҳирасини оширишга хизмат қилувчи яна бир қўлланма



(Uke Kombra Mathematics Teacher's Manual Grade 4) Япония билан ҳамкорликда Исландияда ишлаб чиқарилган. Мазкур қўлланма бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси учун танқидий фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради. Қўлланма нимани ўргатиш, қандай ўргатиш ва нимани ўлчаш (баҳолаш) керак бўлган саволларга жавоб беради. Қўлланма бўлажак бошланғич синф ўқитувчисига қулай ва қундалик вазиятларда қўллашни, дарс мақсадлари орқали белгиланган билим, кўникма, муносабат ва қадриятларни эгаллашни тақозо этади. Ушбу қўлланмалар кўпроқ бошланғич синфлар учун қўллаб янги ёндашувларни тақдим этади. Қолаверса, дарсни ташкил этишни тўлиқ лойиҳалаштириб беради. Яъни ўқув қуроллари, ўқувчиларнинг ғоялари ва олдинги билимларидан фойдаланган ҳолда доскадан тўлиқ фойдаланиш каби изчиллик тизимини тўлиқ қамраб олади.



4- расм. Ўзбекистонда ишлаб чиқилган бошланғич синф дарсликлари.

Ўзбекистон бошланғич синфлари учун ишлаб чиқилган 1-4 синф дарслиklarини тузишда ҳозирги кунда жаҳон дарслиklarидан қолип олиш ва креатив фикрлашга эътибор қаратилган. Дарсликда берилган мантикий топшириқлар болаларда ижодий изланиш ва топқирликни


оширишга хизмат қилади. Дарслиklarда берилган топшириқларни қайта хотирлаш, қисман қайта хотирлаш ва ижодий топшириқларга ажратишимиз мумкин. Дарслиklarда берилган топшириқ ва маълумотлар миллий

дастурдан келиб чикиб тузилган. Топпириклар куйидаги мазмунни қамраб олади;

Мулоҳаза юрийтиш (M1),
 Моделлаштириш (M2),
 Муаммони ечиш (M3),
 Мулоқот қилиш (M4),
 Маълумотлар билан ишлаш (M5) бўйича амалий

татбиқлар.

Биз МДХ ва Хориж тажрибасини ўганиб, ўзимизнинг таълим тизимимиз билан таққослар эканмиз, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг бошланғич фанларини ўқитиш бўйича ҳозирги методик захираси ва эришишимиз зарур бўлган тизим шарт-шароитлари ишлаб чиқдик (5-расм).



5-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришда анъанавий ва масофавий таълимнинг киёсий таҳлили.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш ижтимоий-шахсий, умумқасбий, касбий фаолиятли таркибий қисмлардан иборат. Қолаверса, математика ўқитиш методикаси фанини ўқитиш жараёнининг интегратив фаолиятга ва компетенциявий ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича рағбатлантирувчи,

когнитив, жараёни, интегратив мезонларни қўллаш самарали ҳисобланади.

- **Хулоса ва тақлифлар.** Масофавий таълим воситасида бошланғич синф фанларни ўқитиш жараёни дарслик, қўлланма, ўқув материалларни жаҳон андозаларига мослаштириб танлаш, таълимда сифат ва самарадорликни оширишга хизмат қилади. Қолаверса, халқаро баҳолаш дастурларида Ўзбекистоннинг ўз ўрни бўлишини қафолатлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 27-сентябрдаги «Таълим тўғрисида»ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республика Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги «Таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4884 сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108 сонли қарори.
4. Аммосова, Надежда Васильевна. Методико-математическая подготовка студентов педагогических факультетов к развитию творческой личности школьника при обучении математике. диссертации и автореферата по ВАК РФ 13.00.02, доктор педагогических наук. 1991. 24 с.
5. Абдуллаева Б., Тошпулатова М., Садикова А., Жабборова Ю., Мухитдинова Н. Математика: ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» (3 синф). 2016. – 175 б.
6. Аҳмедов М., Мирзааҳмедов М. Мантикий фикрлашга ўргатиш (4-синф «Математика» дарслиги асосида) // Ж. Бошланғич таълим, 2004, 2-сон, -Б. 42-45.
7. Абрамов А.В. Многоступенчатая подготовка учителей математики. Екатеринбург: Изд-во Урал, ун-та, 1999. - 245 с.
8. Авдеев Ф.С. Научно-методические основы профессиональной подготовки будущего учителя математики сельской малокомплектной школы. Авто-реф. дисс.д-ра пед. наук. М., 1994. — 34 с.
9. Афанасьев В.В. Методические основы формирования творческой активности студентов в процессе решения математических задач. Дисс. в виде науч. докл. на соиск.уч. ст. д-ра пед. наук. СПб., 1997. 62 с.
10. Бикбаева Н.У ва бошқалар «Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси» – Тошкент.: Ўқитувчи, 2007. – 208 бет.
11. Ибрагимов Р. Бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари. Пед. фанл. докт.дисс. –Т.: 2005. -249 б.
12. Жумаев М.Э. Ўқитувчининг ижодий шахс сифатида ривожланишида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик-математик тайёргарлиги. Монография. Т.:2009 й. «Фан» нашриёти. 240 бет.
13. Касимов Ф.М. Бошланғич синфда ижодий таълимни ташкил этишнинг методик асослари. Монография. 2020 й. 249-б.
14. Райханов Ш.Р., Касимов Ф.М. Самостоятельная учебная работа творческого характера на уроках математики в начальных классах. –Бухара: 1991. -35 б.
15. Истомина Н.Б. Методическая система развивающего обучения математике в начальной школе. Автореф. дис. докт. пед. наук. М., 1995. – 42 с.
16. Кан-Калик В.А. и др., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество.– М.: Педагогика, 1990. – 144 с.
17. Стойлова Л.П. Бошланғич математика курси асослари: Педагогика билим юртлари ўқувчилари учун. – Т.: «Ўқитувчи», 1991. – 336 б.
18. Саидова М.Ж. Таълимда мультимедиа технологиялардан фойдаланиш. 2022. 295-б
19. Ташпулатова М.И. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш. Дисс.автор. 2017. 24.б
20. Янусфина З.И., Совершенствование методической подготовки будущего учителя математики в педвузе на основе инновационных подходов к обучению. Дисс. Автореферат. 2003. 28 р.

-
21. Баташова С.М. Подготовка студентов педагогического университета к профессиональной деятельности (при изучении педагогических дисциплин). Дисс. канд.пед.наук. Омск., 1998. — 176 с.
 22. Kouwenhoven, W., Howie, S., & Plomp, T. 2003. 'The role of needs assessments in developing competence-based education in Mozambican higher education'. *Perspectives in education*, 21 (1): 135-152.
 23. Jiménez-Aleixandre, M.P., & Erduran, S., Argumentation in Science Education: An Overview. In S. Erduran and M.P. Jiménez-Aleixandre (Eds.), *Argumentation in Science Education. Perspectives from Classroom-Based Research* (pp3-27).